

Саудия Арабистони бу йилги Умра зиёратчиларининг сонини ошкор қилди



12:11 / 09.10.2018 3192

Саудия Арабистони Ҳаж ва умра ишлари вазирлиги маълумотларига кўра, бу йил берилган Умра визалари сони 282124 кишини ташкил этди, улардан 96 028 зиёратчилар Қиролликка келиб бўлишган.

87 232 нафар Умрага келганлардан 65967 нафари Макка шаҳрида ва 21265 нафари эса Мадина шаҳрида бўлиб туришибди.

ArabNews нашрининг хабари қилишича, энг кўп зиёратчилар орасида Покистон (46202), Ҳиндистон (25580), Индонезия (5853), Шри Ланка (2663) ва Иордания (2585) фуқаролари бор.

Ўтган йили Умра амалларини адо этиш учун хориждан жами 19 миллион 796 мусулмонлар ташриф буюрган.

Аввалроқ Жидда аэропорти бош директори, аэропорт орқали 10 миллиондан зиёд Умра зиёратчиларини кутаётганлигини айтган эди.

Islom.uz портали таҳририяти